

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.T.04.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОКИРОВ УМИДЖОН УТКУР ЎҒЛИ**

**АЦЕТИЛЕН, АММИАК ВА АМИНЛАР АСОСИДА ПИРРОЛЛАР  
ОЛИШНИНГ ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шокиров Умиджон Уткур ўғли**

Ацетилен, аммиак ва аминлар асосида

пирролар олишнинг чиқиндисиз технологияларини яратиш.....3

**Шокиров Умиджон Уткур ўғли**

Создание безотходной технологии

получения пирролов из ацетилена, аммиака и аминов.....21

**Shokirov Umidjon Utkur ugli**

Creation of waste-free technology for

obtaining pyrrole from acetylene, ammonia and amines.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.T.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОКИРОВ УМИДЖОН ЎТКИР ЎҒЛИ**

**АЦЕТИЛЕН, АММИАК ВА АМИНЛАР АСОСИДА ПИРРОЛЛАР  
ОЛИШНИНГ ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧАФАЛСАФА  
ДОКТОРИ(PHd)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Техника фанлари бўйича фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1287 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-kimyo.nuu.uz](http://www.ik-kimyo.nuu.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Садриддин Маҳмаддинович Туробжонов**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сайфутдинов Рамзиддин**

техника фанлари доктори, профессор

**Каримов Рихсибой Қўчқорович**

техника фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

А.Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат «\_\_» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz).)  
Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. Раҳмонбердиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раислик қилувчи,  
к.ф.д., профессор

**Х.Э.Кодиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
т.ф.д., профессор

**А. Икромов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда гетроциклик бирикмалар олиш органик синтезнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади ва улар орасида пиррол ҳосилалари алоҳида ўрин эгаллайди. Пиррол халқаси кўплаб табиий ва биологик фаол бирикмалар - қон ва ўсимликларга ранг берувчи гемоглабин, хлорофил, В<sub>12</sub> витамини, никотин, атропин, какоин каби ўсимлик алкалоидлари ва қатор антибиотиклар таркибида сақланади. Шу билан бирга ацетилен, аммиак ва аминларнинг гетероциклланиш реакциялари учун полифункционал катализаторлар таркибини ишлаб чиқиш, пиррол ва унинг функционал ҳосилалари олишнинг унумдор ва камбосқичли жараёнини такомиллаштириш муҳим аҳамият эга ҳисобланади.

Жаҳон кимё саноатида азот гетероатомли моддалар ишлаб чиқариш ва гетероциклик бирикмалар кимёсини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, пиррол ва унинг ҳосилаларини синтезлаш, тузилиши ва хоссаларини тадқиқ қилиш, олинган моддаларнинг муқим қўлланилиш соҳаларини аниқлаш, амалиётда қўллаш соҳаларини кенгайтириш бўйича интенсив илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамызда охириги йилларда амалга оширилаётган кенг чоратадбирлар натижасида кимё ва қишлоқ хўжалигиги соҳаларини ислоҳ қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш технологияларини яратиш»<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Бу борада сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш орқали кимё саноатини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш билан янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПҚ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 25-октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Ф-4891-сон қарорлари ва фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сон фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пиррол ва унинг ҳосилаларини синтезлаш қонуниятлари ва хоссаларини ўрганиш бўйича D. Dolmen, R. Stewert, P. Hiller, J.H. Krueger, C.A. Tones, G.P. Bean, Дж. Джоуль, Т. Смит, Л.И. Верещагин, Е.К. Васильев, А.С. Нахманович, И.Л. Котляревский, К.А. Таросян, С.Г. Бабаян, Н.В. Мужечян, А.Б. Кучкаров, К.М. Ахмеров, Д. Юсупов, А. Икрамов, С.М. Туробжонов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан гетероциклик бирикмалар синтези учун полифункционал каталитизаторлар таркибини танлаш, гетероциклик бирикмалар ишлаб чиқариш жараёнлари назарий асослари, структураси ва технологияларини такомиллаштириш тавсия этилган.

Шу билан бирга гетероциклик бирикмалар, жумладан пиррол ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш учун селектив, хомшаёлар юқори конверсиясини таминловчи таъсир массалари таркибини танлаш, гетероциклик халқа бўйича карбоксиметиллаш реакцияларини кинетик қонуниятларини ўрганиш, қўлланилиш соҳаларини аниқлаш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ПЗ-20170927346 «Оқава сувларни тозалаш учун поликонденсат турдаги янги ион алмашинадиган полимерларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018 - 2020 йй.) ва ЁОТ-Атех-2018-206 «Корхонада меҳнат хавфсизлигига таъсир этувчи салбий омилларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш» (2018 - 2019 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тузилиши аввалдан белгиланган пиррол ҳосилалари олиш технологиясини яратиш, уларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пиррол ва унинг ҳосилалари синтези учун полифункционал катализаторлар таркибини ишлаб чиқиш;

ацетилен, аммиак ва аминлар асосида пиррол ҳосилалари синтез қилиш ва тузилишини аниқлаш;

ацетилен, аммиак ва аминлар асосида пиррол ҳосилалари синтез қилишнинг мақбул шароитларини ўрганиш;

пирролнинг диазосирка кислота этил эфири ва монохлорсирка кислотаси билан карбоксиметиллаш жараёни реакция шароитлари ва механизмларини тадқиқ қилиш;

пиррол ва унинг ҳосилаларининг ўсимликлар ўсишини стимуллаш хусусиятларини ўрганиш;

пиррол ва унинг ҳосилалари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида металл оксидлари ва фторидлари, ацетилен, аммиак, бутин-2-диол-1,4 асосида синтез қилинган пиррол ва унинг ҳосилалари, пиррол асосида олинган  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ўсимликларни ўсишини стимулловчи воситалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** полифункционал катализаторлариштирокидапиррол ва унинг ҳосилалари ҳосил бўлиши қонуниятлари, беш аъзоли азот гетероатомли гетероциклик бирикмаларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида элемент анализ, ИҚ-, ПМР-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия, хроматография, термоаналитик ва элемент таҳлил, оптик микроскопия ва олинган пиррол ва пиррол ҳосилаларининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлашда анаънавий услублардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

беш аъзоли азот гетероатомли гетероциклик бирикмалар синтези учун  $d^{10}$ -орбиталлари тўлган металл оксидлари асосидаги полифункционал катализаторлар таркиби тадқиқ қилинган;

таъсир массалари таркибини кадмий ва рух фторидлари билан промотрлаш натижасида  $Cd(OH)F$ ,  $Zn(OH)F$ ,  $Al(OH)_2F$  ва  $Al(OH)F_2$  гидроксифторидлар ҳосил бўлиши рентгенографик усулда исботланиб, пиррол ҳосилалари синтезида селективлиги асосланган;

пирролни диазосирка кислота этил эфири ва монохлорсирка кислота реакциялари таққосланиб, азокўшиш жараёни (унум - 84 %) карбоксиметиллашга (унум - 56 %) нисбатан самарали эканлиги исботланган;

пиррол ва унинг ҳосилалари асосида олинган препарат 0,0000001 % концентрацияларда ўсимликларни ўсишини фаоллаштириш хусусиятларини намоён этиши аниқланиб, эталонган нисбатан буғдой донида ўсиш 24,3 % ва бодринг уруғларида эса 15,9 % га юқори эканлиги асосланган;

тузилиши аввалдан бегиланган пиррол ҳосилалари ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагиларда ўз аксини топган:

беш аъзоли азот гетероатомли гетероциклик бирикмалар синтези учун  $d^{10}$ -орбитал тўлган металл оксидлари асосидаги полифункционал катализаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

тузилиши аввалдан белгиланган пиррол ва унинг ҳосилалари синтез қилишнинг мақбул шароитлари ишлаб чиқилган;

пиррол ва альфа-карбоксиметилпиррол олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлилда замонавий физик-кимёвий усуллар ИҚ-спектроскопия, газ-суюқлик хроматографияси, термоаналитик таҳлиллардан, экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда каталитик жараёнлар кинетика ва термодинамикасининг замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, альфа-карбоксиметилпирролнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти беш азоти азот гетероатомли гетероцикли бирикмалари синтези учун кадмий ва рух фторидлари билан промотрланган  $d^{10}$ -орбитал тўлган металл оксидлари асосидаги полифункционал катализаторлар таркиби яратилганлиги ва пиррол, унинг ҳосилалари олиш жараёнларининг оптимал шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - пиррол ва унинг ҳосилалари асосида ўсимликларни ўсишини фаоллаштирувчи хусусиятли препарат олинганлиги, буғдой ва бодринг уруғларини ўсишида фойдаланишга тавсия этишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Металл оксидлари ва фторидлари, ацетилен, аммиак, бутин-2-диол-1,4 асосида синтез қилинган пиррол ва унинг ҳосилалари, ўсимликларни ўсишини фаоллаштирувчи воситалар ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ацетилен бирикмаларини аммиак ва аминлар билан бир босқичда дегидратациялаш-гетероцикллаш орқали пиррол ва унинг ҳосилалари ишлаб чиқариш амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги №14-3060 сон маълумотномаси). Натижада рух, хром, темир оксидлари, кадмий, алюминий фторидлари ва Навбахор бентонити асосида полифункционал катализатор таркиби ишлаб чиқилиб, ацетиленни аммиак ва аминлар билан гетероцикллаш билан пиррол ва унинг ҳосилалари ишлаб чиқариш;

пиррол ва унинг функционал ҳосилалари ўсимликларни ўсишини фаоллаштирувчи препарат сифатида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги №14-3060 сон маълумотномаси). Натижада 0,0000001 % концентрацияларда ўсимликларни ўсишини фаоллаштирувчи, хусусиятлари эталонган нисбатан буғдой уруғларида 24,3 % ва бодринг уруғларида эса 15,9 % га юқори бўлган препарат олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 3 та республика ва 3 та хорижий (шулардан 1 та мақола Scopus базасидарўйхатда бўлган) журналларданашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, 113 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари



тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пиррол хосилалари синтези, хоссалари ва қўлланилиш соҳаларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзуга доир илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Беш аъзоли азот гетероатомли героциклик бирималар синтез қилишнинг Кнорр, Ганч ва Паал-Кнорр каби классик усуллар таққосланиб, ацетилен ва кетоксимлардан, аминокетонлардан, ацетилен ва аминлардан пиррол ва унинг гомологлари синтезидаги муаммолар ҳамда уларнинг қўлланилиш соҳалари тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Эълон қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари ва усуллари, моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган усулларнинг баёни ва хомашёларни танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Хомашёлар ва олинган маҳсулотларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларидан фойдаланилган. Пиррол ва  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол синтези учун полифункционал катализатор тайёрлаш усули, уларнинг муҳим физик-кимёвий хоссалари, табиий бентонит тупроқ асосидаги, ацетилен ва аммиакнинг гетероциклланишида юқори фаоллика эга бўлган катализатор намуналарининг ИСР-масс-спектрал, комбинирланган нур таралиш ва оптик микроскопия усулларидан таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Пиррол ва  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол олиш ва хоссаларини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида, моно- ва бифункционал дастлабки хомашёлардан пиррол қатор гетероциклик бирикмалар ҳосил бўлиш реакциялари келтирилиб, айнан мураккаб ва кўп босқичли кетма-кет амалга ошириладиган жараёнлардегидратация, изомерланиш, конденсация, дегидроцикллаш ва бошқа босқичлар орқали ўтиши асосланган. Бу жараёнларни буғ фазада полифункционал хусусиятларга эга катализаторлар иштирокида амалга оширилиши, катализаторлар танлашда таркибдаги ҳар бир компонентнинг пиррол ҳосил бўлишидаги хусусиятлари ҳисобга олинган.

Ацетилен ва аммиакдан пиррол синтез қилишда, таркибида  $d^{10}$  - орбиталлари ( $Cu^{+1}$ ;  $Ag^{+1}$ ;  $Au^{+2}$ ;  $Hg^{+2}$ ;  $Zn^{+2}$ ;  $Cd^{+2}$ ;  $Pt^{+2}$ ;  $Ni^0$  ва б.) тўлдирилган элементлар сақлаган полифункционал катализаторлардан фойдаланилди. Булар орасида кадмий ва рух экологик хавфсиз ва мавжуд элементлар қаторида бўлгани учун ацетилен ва аммиакнинг гетероциклланиш жараёнида кўпроқ ўрганилди.

Тадқиқотлар давомида кадмий ва рухнинг фторидлари билан промотрланган полифункционал катализаторларнинг рентгенографик усуллар билан ўрганилиши натижасида, рух, кадмий ва алюминий фторидлари катализаторларни тайёрлаш - термик ишлов бериш вақтида юқори каталитик

фаолликни таъминловчи гидроксифторидларни  $\text{Cd}(\text{OH})\text{F}$ ;  $\text{Zb}(\text{OH})\text{F}$ ,  $\text{Al}(\text{OH})_2\text{F}:\text{Al}(\text{OH})\text{F}_2$  ҳосил қилади.

Рентгенографик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, катализаторлар полуаморф-кристалл ҳолатида - кимёвий боғланган сув сақлаган ҳолатида юқори фаоллик намоён этади. Катализаторларни тоблаш хароратларини 450 дан 650 °С гача оширилиши билан кристалл фазанинг улуши ортиб, кимёвий боғланган сув миқдори камаяди, гидроксифторидлар парчаланиб, катализаторнинг солиштирма юзаси ҳамда фаоллиги камаяди.

Тажрибалар, катализатор таркибида рух, кадмия ва алюминий гидроксифторидлари билан бир қаторда 3,0 - 5,0 % масс. рух, хром (III) ва темир (III) оксидларининг бўлиши, гетероциклик бирикмалар синтезида юқори фаоллик ва барқарорлик намоён этишини кўрсатади.

Пиррол ҳосил бўлиш реакцияси бир неча элементар босқичлардан (дегидратация, изомерланиш, конденсация, дегидроцикллаш ва б.) иборат. Адабиётлардан бу элементар босқичлар рух, кадмий, хром, темир ва бошқалар сақловчи катализаторлар иштирокида амалга ошиши маълум.

Буғ фазада моно- ва бифункционал бирикмалардан гетероциклик бирикмалар синтези учун юқорифаолликка эга, барқарор янги катализаторлар таркибини аниқлаш мақсадида 25та намунадаги катализаторлар тайёрланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тайёрланган катализаторлар таркиби

№	Катализатор таркиби, масс. %	Катализаторнинг шартли белгиси
1	ZnO - 20,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	ЦА-1
2	CdF <sub>2</sub> -10,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -10,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КХА-3
3	CdO -10,0-11,0; CaO-41,0-45,0; P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> -43-45,0	ККФ (саноат)
4	CdF <sub>2</sub> -3,0; ZnO-15,0; AlF <sub>3</sub> -2,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КЦФА-2
5	CdF <sub>2</sub> -5,0; ZnO-10,0; ZnF <sub>2</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КЦФА-5
6	CdF <sub>2</sub> -10,0; ZnO-10,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КЦА-10
7	CdF <sub>2</sub> -20,0; ZnF <sub>2</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КЦА-5
8	CdF <sub>2</sub> -20,0; AlF <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -85,0	КАА-25
9	CdF <sub>2</sub> -10,0; AlF <sub>3</sub> -10,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КАА-20
10	CdF <sub>2</sub> -15,0; CoF <sub>2</sub> -5,0; AlF <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -75,0	ККАА-25
11	CdF <sub>2</sub> -15,0; AlF <sub>3</sub> -3,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -82,0;	КАА-18
12	CdF <sub>2</sub> -10,0; CoF <sub>2</sub> -5,0; AlF <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	ККАА-20
13	CdF <sub>2</sub> -18,0; AlF <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -77,0	КАА-23
14	CdF <sub>2</sub> -15,0; ZnO-3,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -82,0	КЦА-18
15	CdF <sub>2</sub> -5,0; ZnO-5,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -5,0; Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КЦХФ-20
16	CdF <sub>2</sub> -10,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -5,0; ZnO-5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КХЦ-20
17	CdF <sub>2</sub> -15,0; CoF <sub>2</sub> -5,0; AlF <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -75,0	ККА-25
18	CdF <sub>2</sub> -15,0; AlF <sub>3</sub> -3,0; Бентонит-82,0	КАБ-18
19	CdF <sub>2</sub> -10,0; ZnO-5,0; Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -2,0; Бентонит-80	КЦФБ-20
20	CdF <sub>2</sub> -2,0; ZnO-3,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -3,0; Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -3,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -89,0	КЦХФ-11
21	CdF <sub>2</sub> -10,0; ZnO-5,0; ZnF <sub>2</sub> -3,0; Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -2,0; Бентонит-80	КЦЦФВ-20
22	CdF <sub>2</sub> -3,0; ZnO-5,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -3,0; Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -5,0; AlF <sub>3</sub> -3,0; Бентонит-81,0	КЦХФАВ-19
23	CdO-5,0; ZnO-5,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -3,0; Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -3,0; AlF <sub>3</sub> -5,0; Бентонит-79,0	КЦХФАВ-21
24	CdF <sub>2</sub> -10,0; ZnO-10,0; Бентонит-80,0	КЦВ-20
25	CdF <sub>2</sub> -5,0; ZnO-5,0; Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -5,0; Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> -80,0	КЦХА-20

Тайёрланган катализаторларнинг айрим физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятлари 2-жадвалда берилган.

2-жадвал


Тайёрланган катализаторларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятлари

№	Катализатор	Солиш-тирма юзаси, м <sup>2</sup> /г	Механик мустаҳкамлиги, МПа	Регенерациягача фаололик муддати, соат	Унумдорлиги, г/кг.кат.час.	Дастлабки хом ашё конверсияси,%
1	<b>ЦА-1</b>	96,3	-	48,0	42,0	62,0
2	<b>КХА-3</b>	-	3,62	52,0	50,3	66,0
3	<b>ККФ (пром.)</b>	112	3,20	28,0	61,0	70,0
4	<b>КЦФА-2</b>	120	4,2	80,0	71,0	82,0
5	<b>КЦФА-5</b>	165	4,6	96,0	76,0	85,0
6	<b>КЦА-10</b>	156	4,8	72,0	68,0	87,0
7	<b>КЦА-5</b>	-	-	48,0	42,0	78,0
8	<b>КАА-25</b>	157	4,0	52,0	38,6	70,0
9	<b>КАА-20</b>	-	3,8	36,0	47,0	61,0
10	<b>ККАА-25</b>	110	5,1	56,0	64,0	72,0
11	<b>КАА-18</b>	128	4,5	48,0	71,0	68,0
12	<b>ККАА-20</b>	174	4,0	52,0	74,0	72,0
13	<b>КАА-23</b>	143	4,6	48,0	68,4	72,0
14	<b>КЦА-18</b>	128	4,3	48,0	72,0	68,0
15	<b>КЦХФ-20</b>	165	4,7	96,0	80,2	75,0
16	<b>КХЦ-20</b>	156	5,1	72,0	832,0	78,0
17	<b>ККА-25</b>	110	5,0	10,0	68,0	82,0
18	<b>КАБ-18</b>	128	5,6	96,0	84,0	80,0
19	<b>КЦФБ-20</b>	176	7,2	72,0	84,0	85,0
20	<b>КЦХФ-11</b>	112	6,1	96,0	102,0	90,0
21	<b>КЦЦФВ-20</b>	-	4,0	48,0	76,0	75,0
22	<b>КЦХФАВ-19</b>	-	4,2	36,0	54,0	64,0
23	<b>КЦХФАВ-21</b>	-	4,6	36,0	42,0	61,0
24	<b>КЦВ-20</b>	-	4,2	22,0	35,0	56,0
25	<b>КЦХА-20</b>	184	8,2	144	130	91,0

Технологик жаранёинг мақбул шароитларини аниқлаш мақсадида ацетилен ва аммиакдан соф (98,5 - 99,0 % тозаликдаги) пиррол олиш жараёни кинетикаси ва механизми ўрганилди.


Тайёрланган кадмийли катализаторлар пиррол ҳосил бўлиш жараёни селективлигини белгилайди. Тажрибалар натижасида, алюминий фторидидан промотор сифатида фойдаланиш катализатор барқарорлигини кескин оширади.

Ацетилен ва аммиакнинг катализатор фаол марказлари билан ҳосил қилувчи π-комплекслари тузилишига икки валентли кадмий тузлари таъсир қилиб, кучли қутбланишига сабаб бўлади:



Бунда ҳосил бўлувчи фаол заррачалар ацетилен билан дивиниламинга ўтувчи виниламинлар ҳосил қилади, дивиниламин ўз навбатида пирролга осон цикланади.

Дастлабки тажрибалар, ацетилен сарфланиш ва пиррол ҳосил бўлиш тезлиги катализатор навескасига тўғри пропорционал эканлигини кўрсатади.



**1-расм. Ацетилен сарфининг катализатор миқдорига боғлиқлиги (синтез шароити:  $t = 300$  °С;  $P_{C_2H_2} = 0.1$  атм). Катализатор №45**

Бу катализатор юзасидан массанинг силжиши жараён тезлигини белгилаши ва шу билан реакция ташқи - диффузион тўсиқларга учрамаслигини асослайди.

Жараённинг мақбул параметрларини аниқлаш мақсадида таъсир катализатор қатлами баландилиги ҳам ўрганилди. Бунда, ацетилен конверсия даражаси катализатор қатлами баландилгига тўғри пропорционал ўзгаради (3-жадвал).

3-жадвал

**340-440°С хароратлар чегарасида ацетилен конверсия даражасига катализатор қатлами баландигининг боғлиқлик ўзгариши. Катализатора №45. Реактор  $d \times l = 20 \times 1500$  мм;  $V = 140-150$  соат<sup>-1</sup>**

№	Реакторнинг юқори нуқтасидан қатлам баландиги, мм	Ацетиленнинг кенверсия даражаси, %
1	400	41,0
2	600	57,0
3	800	76,0
4	1000	86,0
5	1200	92,0
6	Реактордан чиқишда	96,0 - 99,0

Жадвалдан кўринадики, реакция ички диффузия областида амалга ошади.


Тадқиқотлар давомида реакторнинг ички қисмида амалга ошувчи каталитик реакцияларининг кимёвий жараёнлари - адсорбция, катализатор юзасидаги таъсир, десорбция ўрганилди. Биз фойдаланётган гетероген катализаторлар (ЦХА, КРХА) ғовакли юза ҳисобланади. Ацетилен ва аммиакнинг гетероген реакциялари жуда тез амалга ошади, катализ жараёни тезлиги йиғиндиси катализатор ғовақларидаги реагентлар диффузияси ҳамда ички диффузион областларда амалга ошади.

Ғовакли катализатор доначаларининг ички юзаси катализатор умумий юзасининг 99 % ни ташкил этиши мумкин. Катализатор доначалари модда силжиши диффузиянинг самарали коэффиценти ва ацетилен ва аммиак таъсири донача хажми бирлигига мослаштирилган самарали тезлик константаси (бу константалар катализатор доначаси хажми бўйича бир хил) билан белгиланувчи каталитик реакция билан белгиланади.


Шундай қилиб, ацетилен ва аммиакдан пиррол олиш жараёни кинетикаси ўрганилди. Промотр сифатида қўшилган алюминий фторидли, пиррол ҳосил бўлиши селективлигини шакллантирувчи кадмийли катализаторлар ишлаб чиқилди. Аниқланган маълумотлар, кузатилаётган ацетилен сарф тезлигига ички диффузия таъсир этмаслигини кўрсатади. Пиррол ҳосил блиш унумига катализатор таркиби, шу жумладан ўзак - ташувчининг табиати, реакция харорати дастлабки реагентлар нисбати ва узатиш хажмий тезлигининг таъсири тадқиқ қилинди. Олинган ҳисоблаш маълумотлари ацетилен сарф реакциясида ички диффузияли тўсиқлар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

#### *Диазосирка кислота эфири билан $\alpha$ -карбоксиметилпиррол синтезлаш*

Тадқиқотлар давомида, дастлаб пиррол ва унинг метил-, диметил- ва этил-гомологлари синтез қилинди. Олинган пирролнинг  $\alpha$ -карбоксиметил ҳосиласини синтез қилиш учун диазосирка кислота эфири билан азоқўшиш реакциялари ўрганилди. Пирролнинг диазосирка кислота эфири билан реакция 0 - 10 °С хароратлар чегарасида олиб борилиб, бу билан юқори хароратларда боровчи рақобат реакциялар иккинчи карбоксиметил гуруҳининг халқа бўйича бирикиши, пиррол халқасидаги азот атоми бўйича реакцияларнинг олди олинди. Реакция схемаси қуйидагича:




Пирролнинг диазосирка кислота этил эфири билан паст хароратларда азоқўшиш реакцияларига харорат ва реакция вақтининг таъсири ўрганилди (2-расм).



**2-расм. Пиррол диазосирка кислота этил эфирiazокўшиш реакциясига ҳароратнинг боғлиқлиги:**

1- таъсир вақти 6 соат; 2-таъсир вақти 10 соат

3.3-расмдаги натижаларга кўра дастлабки хомашёларнинг таъсир вақтининг 6 соатдан 10 соатгача узайиши билан тайёр маҳсулот ҳосил бўлиш унумининг 86 % гача ортишига олиб келади. Реакция давомийлиги янада узайиши билан (12 соат) кўшимча маҳсулотлар кўпайиб,  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ҳосил бўлиш унуми камаяди. Бу пирролнинг асос хусусияти таъсирида диазосирка кислота этил эфирининг парчаланиши натижасида ҳосил бўлувчи  $C_2H_5O^-$  ионларининг азот атоми бўйича ҳужуми натижасида N-этоксипирролнинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Синтезланган  $\alpha$ -карбоксиметилпирролнинг тузилиши ИҚ-спектрометрик усулда таҳлил қилинди:




**3-расм.  $\alpha$ -Карбоксиметилпирролнинг ИҚ-спектри**

$\alpha$ -Карбоксиметилпирролнинг ИҚ-спектри қуйидаги ютилиш чизиклари ва тебранишларни намоён қилди:


		$\nu \text{ см}^{-1}$					
ОН	CH <sub>2</sub>	С – С (халқада)	С – С (ён занжирда)	С=О	С – N		
3316	2980	1652	1046-1000	1044	840-820		

Шунингдек, олинган маҳсулот хромато-масс-спектрометрия усули билан ҳам таҳлил қилинди (4-расм).



**4-расм.  $\alpha$ -Карбоксиметилпирролнинг хромато-масс спектри**

Азоқўшиш реакцияларининг асосий катализаторлари ҳисобланувчи мис ва рух микдорининг реакция тезлиги ва унумига таъсири ҳам ўрганиб чиқилди (5-расм ва 4-жадвал).



**5-расм. Азоқўшиш реакцияларига катализатор табиатининг боғлиқлиги:**


1- мис; 2- рух.  $t = 80 \text{ }^\circ\text{C}$

4-расмдан пирролнинг азосирка кислота этил эфири билан азоқўшиш реакцияларида  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ҳосил бўлиш унуми мисдан фойдаланилганда юқори эканлигини кўрсатади.

**$\alpha$ -Карбоксиметилпирролҳосил бўлиш унумига катализатор  
миқдорининг боғлиқлиги**

№	Харорати, °C	Маҳсулот унуми, %	Реакция тезлиги, %/соат
Мис - 2.0%			
1	2.0	48,0	6,2
2	4.0	53,0	7,3
3	6.0	68,0	8,1
4	8.0	65,0	9,1
Мис - 4.0 %			
1	2.0	62,0	7,9
2	4.0	76,0	10,1
3	6.0	82,0	12,9
4	8.0	80,0	16,1
Мис- 6.0 %			
1	2.0	70,0	6,6
2	4.0	79,0	8,4
3	6.0	85,0	10,5
4	8.0	81,0	13,1
Мис- 8.0 %			
1	2.0	69,0	7,3
2	4.0	71,0	9,2
3	6.0	80,0	11,5
4	8.0	73,0	13,9

Мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда азосирка кислота этил эфери билан пирролни азокўшиш реакцияси механизми таклиф этилди. Маълумки азобирикмалар кучсиз электрофил агентлар бўлиб, фаол субстратлар билан реакцияга киришади. Пиррол ҳолатида бу реакция фаол бўлмаган аммоний ионларининг ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Бизнинг ҳолатимизда азокўшиш реакцияси асос муҳитида олиб борилади ва буни сигма-комплексдан протоннинг ажратилиш тезлигининг айна комплекснинг ҳосил бўлиш тезлиги билан тенглиги билан изоҳланади. Бу турдаги реакцияларнинг биринчи босқичда протоннинг ўта беқарор азоний катиони ҳосил бўлиши билан азосирка кислота этил эфирига кўчиши ва сўнгра нукелюфил агент ҳисобланувчи пиррол билан охириги маҳсулотни ҳосил қилиб таъсирлиши кузатилади:





Ўсимликларни ўсишини фаоллаш хусусиятлари дастлаб лаборатория шароитларида ўрганилди. Тест объектлари сифатида буғдойнинг Таня нави ва Орзу навли бодинг уғруҳлари танлаб олинди. Эталон сифатида Учқун препаратидан фойдаландик. Учқун препарати ўсимликлардан олинган бўлиб, полипренол ҳосилалари асосидаги маҳсулот ҳисобланади.

**5-жадвал**

**Олинган маҳсулотларнинг ўсимликларни ўсишини фаоллаш хусусиятлари**

Препарат номи ва шартли белгиси	Концентра- цияси, %	Буғдой ундирмаси, см		Бодринг уруғи, см	
		Илдизлар узунлиги	Майсалар узунлиги	Илдизлар узунлиги	Майсалар узунлиги
Назорат		7,75	6,05	5,18	5,38
Эталон Учқун		9,93	7,85	6,93	5,88
P-1	0,001	8,04	6,32	4,66	2,32
	0,0001	8,33	4,86	5,02	1,4
	0,00001	8,3	5,61	4,08	1,68
	0,000001	9,2	5,08	5,62	6,22
	0,0000001	10,5	7,78	6,87	5,96
P-2	0,01	7,84	4,48	4,28	1,42
	0,001	7,36	5,31	3,9	1,42
	0,0001	7,38	5,28	5,3	1,78
	0,00001	8,75	5,6	5,96	1,7
	0,000001	9,3	5,3	6,14	5,46
	0,0000001	9,8	4,8	6,9	5,21
P-3	0,01	4,35	2,28	4,68	2,21
	0,001	7,11	4,29	4,39	2,84
	0,0001	7,86	5,03	5,41	3,04
	0,00001	7,91	5,02	5,72	4,32
	0,000001	9,1	5,6	5,16	5,48
	0,0000001	9,72	5,06	4,9	1,71
P-4	0,01	6,38	4,68	4,24	1,72
	0,001	6,18	4,25	5,18	1,55
	0,0001	7,41	5,71	5,52	2,31
	0,00001	8,38	5,12	5,42	5,4
	0,000001	9,12	5,31	6,4	5,86
	0,0000001	9,43	5,16	6,01	5,37
P-5	0,01	3,77	5,08	3,37	1,12
	0,001	5,92	4,34	3,89	1,43
	0,0001	6,17	5,31	3,94	1,28
	0,00001	7,09	5,62	4,92	1,83
	0,000001	8,59	5,37	6,56	3,18
	0,0000001	8,46	5,46	6,96	5,58

Бизнинг мақсадимиз олинган альфа-карбоксиметилпирролнинг ўсимликларни ўсишини фаоллаш хусусиятларини ҳамда концентрациясини аниқлашдан иборат. Бу мақсадда буғдой донлари 16 соат давомида, бодринг уруғлари 6 соат давомида альфа-карбоксиметилпирролнинг турли концентрациялардаги сувли эритмаларда бўктирилди. Уруғларнинг униш энергияси 2 суткада, 5 ва 7 суткаларда эса илдиз ва пояларининг узунликлар орқали аниқланди.

Ўсимликларни ўсишини фаоллаш хусусиятлари альфа-карбоксиметилпиррол соф ҳолатида (P-1), альфа-карбоксиметилпиррол + Учқун 1 : 1 нисбатларда (P-2), альфа-карбоксиметилпиррол + Учқун 2 : 1 нисбатларда (P-3), альфа-карбоксиметилпиррол + Учқун 1 : 2 нисбатларда (P-4), альфа-карбоксиметилпиррол + пиррол 1 : 1 нисбатларда (P-5) таркибларда синоб кўрилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, альфа-карбоксиметилпиррол соф ҳолатида (P-1) ўн миллиондан бир улушларда (0,0000001 %) ўсимликларни ўсишини фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади, иккала намуналарнинг ҳам ўсиши назоратга нисбатан юқори бўлиб, буғдой унуши 34,4 %, бодринг уруғларининг унуши эса 28,6 % га узунроқ эканлиги кузатилди. Ундирилган буғдой илдизи назоратга нисбатан 35,4 %, майсалар узунлиги эса 28,5 % узунлиги аниқланди. Бодринг уруғларида эса илдиз намунага нисбатан 32,6 %, майсалар узунлиги 15,6 % га катта эканлиги кузатилди. Натижалар эталон препарат Учқун билан таққосланганда кам фарқ қилиши аниқланди.

Таъриба натижаларига асосланиб, альфа-карбоксиметилпиррол соф ҳолатида (P-1) ўн миллиондан бир улушларда (0,0000001 %) ўсимликларни ўсишини фаоллаш хусусиятларига эга эканлиги исботланди.

Диссертациянинг «**Пиррол ва  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ишлаб чиқариш**» деб номланган тўртинчи бобида, пиррол ва  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол олишининг принципиал технологик схемаси ёритиб берилган.

А. Асосий босқичлар:

1. Таъсир алашмасини тайёрлаш.
2. Таъсир алашмасининг конденсацияси ва пиррол синтези.
3. Катализатнинг ректификацияси.
4. Пирролнинг диазосирка кислота этил эфири билан азоқўшиш реакцияси

Б. Ёрдамчи жараёнлар:


1. Катализаторни тайёрлаш.
2. Катализаторни регенерациялаш.

Ҳисобланган миқдор аммиак ва ацетилен газголдерлардан белгиланган ҳароратларгача 270-300 °С қиздириш учун қиздиргичдан ўтказилади. Қиздирилган газлар аралашмаси 5 реакторга жойланган катализатор юзасидан ўтказилади. Реактор вертикал тузилишли қурилма бўлиб, 30 фоизигача 10×10 мм ўлчамли Рашиг ҳалқалари билан қолган қисми эса катализатор билан тўлдирилади. Катализатор юзасидан ўтувчи реакцион аралашма иссиқлик алмаштиргичда совитилиб, суяқ органик қисми ректификация босқичига юборилса, реакцияга қиришмаган газлар циклга қайтарилади.

Катализат таркибидан пирролни ажратиш ректификация усули билан амалга оширилади. Қайнаш ҳароратлари чегараси 125 - 127 °С бўлган пиррол фракцияси ўзида намлик сақлагани учун аввалдан тобланган кальций

хлоридидан ўтказилади. Тозалаш жараёни икки маррта амалга оширилиб, бу билан 99 % гача тозаланган пиррол олинади.

Пиррол жараённинг кейинги босқичи азоқўшиш реакциясида фойдаланиш учун мис кукуни солинган ташқи иссиқлик алмашилиш мосламасига эга бўлган реакторга юборилади.



6-расм. Пиррол ва  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ишлаб чиқариш принципиал технологик схемаси

G1 ва G2 ацетилен ва аммиак учун газголдерлар; S3-аралаштиргич;

T4-буғлатгич; R5-реактор; K6-ректификацион колонна; D7-дефлегматор;

H8 - насос; E9-катализат учун сиғим; R10-азоқўшиш реактори;

E11- диазосирка кислота этил эфири учун сиғим; B12- мис кукуни учун бункер.

Мис кукуни ва пиррол реакторда 75 - 80 °С гача бир соат давомида қиздирилади, сўнгра 25°С совутилиб, диазосирка кислота этил эфири қўшилади, реакция аста 15 - 20 дақиқа давомида азот ажралиши билан амалга ошади. Азот ажралиши тугагач, реакция аралашма 15 дақиқа давомида қиздирилади. Таъсир массаси филтрдан ўтказилиб, мис кукунидан ажратилади. Филтрдан ўтувчи реакция масулоти совутилади ва бунда  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол кристаллга тушади. Пиррол ва  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол филтрларда ажратилади. Сўнгра тайёр маҳсулот аввал этил спирти ва сўнгра диметилэфири билан ювилиб, қадоқлаш учун берилади.

Бундан  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ишлаб чиқаришни ташкил этишдан кузатиладиган самара (бир тоннаси маҳсулот учун),

$$\text{Э} \cdot \text{Э} = 70000 - 35006,39 = 34993.61 \$ (\text{АҚШ}) \text{ ташкил этади}$$

1 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўриладиган йиллик иқтисодий самарадорлик

$$\text{Э} \cdot \text{Э} = 34993.61 \cdot 10500 = 367432905 \text{ сўмни}$$

ташкил этади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тузилиши олдиндан белгиланган пиррол қатори бирикмалари олишнинг қулай, кам босқичли усуллари ишлаб чиқиш бўйича мақсадга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш билан беш аъзоли азот гетероатомли гетероциклик бирикмалар синтези учун  $d^{10}$ -орбиталлари тўлган металл оксидлари асосидаги полифункционал катализаторлар таркиби тавсия этилди.

2. Ацетилен юқори ҳароратда катализаторлар қатламларидан ўтказилганида ацетонитрил, пиррол, пиридин асослари мавжуд мураккаб таркиб ҳосил бўлиши аниқланди. Ҳосил бўлган моддаларни ажратиш усули таклиф этилиб, қўлланилиш соҳалари бўйича тавсиялар берилди.

3. Пирролнинг хлорсирка кислота натрийли тузи билан диазосирка кислота этилэфери билан азоқўшиш реакциялари орқали альфа-карбоксиметил пиррол олиш жараёнлари тадқиқ қилинган. Олинган альфа-карбоксиметил пирролнинг тузилиши ИҚ-, ПМР-спектроскопия ва хромато-масс-спектроскопия усуллари ёрдамида кўрсатиб берилди.

4. Ацетилен, аммиак ва аминларнинг реакторга киришдаги сарфи ва реакция маҳсулотларининг реактордан чиқишдаги унуми ҳисобланиб, лаборатория тажрибалари натижалари, материаллар балансига асосланиб, пиррол ва унинг ҳосилалари олишнинг саноат синтези учун реактор тавсия этилди.

5. Пиррол ва унинг ҳосилалари асосида олинган препарат ўсимликларни ўсишини фаоллаштириш хусусиятларини намоён этиши аниқланиб, эталонган нисбатан буғдой донида ўсиш 24,3 % ва бодринг уруғларида эса 15,9 % га юқори эканлиги асосланди ва 0,0000001 % концентрацияларда қўлланилиши тавсия этилди.

6. Ацетилен ва аммиакнинг гетероциклланиши, пирролнинг азоқўшиш реакцияси орқали  $\alpha$ -карбоксиметилпиррол ишлаб чиқариш технологияси тавсия этилди.  $\alpha$ -Карбоксиметилпиррол ишлаб чиқаришдан кўриладиган йиллик иқтисодий самарадорлик 367432905 сўмни ташкил этиши ҳисоблаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ШОКИРОВ УМИДЖОН УТКИР УГЛИ**

**СОЗДАНИЕ БЕЗОТХОДНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ПИРРОЛОВ  
ИЗ АЦЕТИЛЕНА, АММИАКА И АМИНОВ**

**02.00.14-Технология органических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/T1287

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размещен на веб-странице научного совета [aik-kimyo.nuu.uz](http://aik-kimyo.nuu.uz) на Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** доктор технических наук, профессор  
**Садриддин Махаммадинович Туробжонов**

**Официальные оппоненты:** доктор технических наук, профессор  
**Сайфутдинов Рамзиддин**

кандидат технических наук, профессор  
**Каримов Рихсибой Қўчқорович**

**Ведущая организация:** **Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в «\_\_» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, улица Навои, дом 32.Тел.: (998 71) 244-79-20; факс: (998 71) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz).) Ташкентский химико-технологический институт. Административное здание 2-этаж, актовый зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована №\_\_\_). Адрес: 100011, г. Ташкент ул.Навои, дом №32. Тел.: (998 71) 244-79-20

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ года.  
(протокол рассылки № \_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Г. Рахмонбердиев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

**Х.Э.Кодиров**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**А. Икрамов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня получение гетероциклических соединений является одной из актуальных задач органического синтеза и особое место среди них занимают производные пиррола. Кольцо пиррола хранится в составе многих природных и биологически активных соединений - в гемоглобине, придающем цвет крови, и растениям, хлорофиле, витамине В<sub>12</sub>, в составе таких растительных алкалоидов, как никотин, атропин, какоин и ряде антибиотиков. В тоже время важно разработать состав полифункциональных катализаторов для гетероциклических реакций ацетилен, аммиака и аминов, совершенствовать эффективный и малоступенчатый процесс получения пиррола и его функциональных производных.

В мировой химической промышленности ведутся научные исследования по производству азотных гетероатомных веществ и развитию химии гетероциклических соединений. В связи с этим проводятся интенсивные исследования по синтезу пиррола и его производных, изучению их структуры и свойств, определению областей стабильного применения полученных веществ, расширению областей практического применения.

В результате масштабных мер, принятых в последние годы в нашей Республике, достигаются определенные научные и практические результаты в реформировании химической и аграрной отраслей, расширении ассортимента конкурентоспособной продукции, создании новых запасов сырья, на их основе разработке технологий производства импортозамещающих товаров. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи по “созданию технологий получения импортозамещающей продукции на основе местного сырья и вторичных ресурсов”<sup>2</sup>. В связи с этим важно проводить научные исследования в области производства новой продукции с дальнейшим развитием и диверсификацией химической промышленности за счет перехода на качественно новый уровень.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, в 2017-2021 годах», ПП № 3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», ПП № 4265 от 3 апреля 2019 года “О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности”, УП № 4891 от 6 апреля 2017 года «Критический анализ производства и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации производств, направленных на импортозамещение», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>2</sup> УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, в 2017-2021 годах».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по изучению закономерностей и свойств синтеза пиррола и его производных вели D. Dolmen, R. Stewert, P. Hiller, J.H. Krueger, C.A. Tones, G.P. Bean, Дж. Джоуль, Т. Смит, Л.И. Верещагин, Е.К. Васильев, А.С. Нахманович, И.Л. Котляревский, К.А. Таросян, С.Г. Бабаян, Н.В. Мужечян, А.Б. Кучкаров, К.М. Ахмеров, Д. Юсупов, А. Икрамов, С.М. Туробжонов и другие.

